

ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛИШИ ВА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАГИШЛАРИ

Мамасолиев Н. С.,

Асқаров И. Р.,

Хакимов Н. С.,

Қурбонова Р. Р.

Андижон давлат тиббиёт институти

Долзарблиги

Замонавий клиник тавсияларда ва илмий тадқиқотларда, жигар фибрози ва циррозига оид янги, уларнинг профилактикасида муҳим аҳамиятли бўлган маълумотлар тақдим қилинган ва/ёки умумлаштирилган. Хусусан, улар орасидан қайд этиб кўрсатиш керакки, жигар фибрози бириктирувчи тўқиманинг жигарда турли касалликлар ва хатар омилларининг сурункали таъсири оқибати бўлиб шаклланиши туфайли ривожланади. Мавжуд клиник фундаментал тадқиқотларда, асосан махсус эпидемиологик илмий тадқиқотлар жуда оз бажарилганлиги эътиборга тушади (кўплаб малакатларда эса, умуман йўқ), яна тасдиқланганки, жигар циррози – бу диффузли жараён, фиброз ва жигарнинг нормал тузилмасини трансфор-мацияланиб тугунлар ҳосил бўлиши билан тавсифланади. 2022 йил 28 январ-даги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги, ҳамда, ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб масала ҳисобланади.

Изланиш мақсади. Жигар циррозини Андижон вилоятида тарқалиш частотаси ва 21 йиллик ўзгаришларини ўрганиш.

Изланиш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўлимларида сўровномали, биокимёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуллари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популяцияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

Изланиш натижалари

Жигар циррозининг катта ёшдаги Андижон популяциясида 21 йиллик эпидемиологик тавсифи ўрганилди ва таҳлил қилинди. Маълум бўлдики, жами жигар циррозлари катта ёшдаги аҳолида 73,5 фоиз тарқалиш частотаси билан аниқланди. Охирги 21 йилда аниқланиш частотаси 13,8 фоизга ёки 1, 2 мартача ортган. Кузатув йиллари давомида энг кам аниқланиш частотаси – 38,9 фоиз (2016 йили) ва энг кўп тасдиқланган сурати даражаси 89,6 фоиз (2011 йил) бўлган, ҳар йили 0,7 фоизга мунтазам кўпайиб борган ва

айрим йилларда (2008 йил) ўсиш “тўлқини” кескинлашиб 1,5 баробаргача етиб ошган. Умуман, хулоса қилиш мумкин бўладики, ЖЦ ни Андижоннинг катта ёшдаги аҳолиси орасида тарқалишини ва гендерлик хусусиятларини 21 йиллик клиник – эпидемиологик мониторинг натижалари бўйича хос жихатга эга бўлиши аниқланди.

Хулоса

Ушбу натижалар бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактик амалиётини ЖЦ га нисбатан илмий асосланган тарзда оптималлаштиради, ҳамда, прогнозлаш жадваллари ва технологияларини яратиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.